

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2025 йил ноябрь ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси А.Садировнинг раислигида, Ш.Қозақовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чортоқ туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Шамшиддинов, судланувчи У.Ахмаджанов, унинг ҳимоячилари Л.Тўхтамурадова, А.Исमतов, судланувчи Э.Разақов ва унинг ҳимоячилари адвокат М.Разақов, А.Ўролов, фуқаровий даъвогар И.Маматханов, унинг вакили-адвокат Ж.Баходировнинг иштирокида, Ахмаджанов Улуғбек Маматхонович ва Разақов Эркинжон Саидбурхоновичга оид 1-1601-2506/954-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

1981 йил 12 декабрда Наманган вилояти Наманган туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, собиқ АТ “Ҳалқ банки” Наманган вилояти бошқармаси, фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти шўъба мудир, Наманган тумани, “Равнақ” МФЙ, Марғилон кўчаси, 9-уйда яшаган, иш бўйича 2025 йил 21 май куни ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2025 йил 24 май куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган бўлиб, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган **Ахмаджанов Улуғбек Маматхонович** (Akhmadjanov Ulug‘bek Mamatxonovich)

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25, 168-моддаси 3-қисми “в” банди, 28, 211-моддаси 1-қисми ва 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбланган.

1989 йил 18 декабрда Наманган вилояти Тўрақўрғон туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, АТ “Ҳалқ банки” Наманган вилояти бошқармаси, бош юристконсулти, муқаддам 13.02.2017 йилдаги ЖИБ Тўрақўрғон туман судининг ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 206-моддасининг 1-қисми, 209-моддасининг 2-қисми “а” банди, 210-моддасининг 2-қисми “в,г” бандлари ва 238-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 3 йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрь кунги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги



қарорининг 6-банди “а” кичик банди қўлланиб ўталмай қолган жазо муддати учдан бир қисмига қисқартирилган, 04.12.2017 йил кунги ЖИБ Зангиота туман судининг ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асоан, ўталмай қолган 2 йил 5 ой 4 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган бўлиб, 26.10.2018 йил кунги Тўрақўрғон туман судининг ажрими билан ўталмай қолган 1 йил 6 ой 21 кун жазосидан шартли озод қилинган, жазони ўтаб бўлган, судланганлик ҳолати тугалланган, Тўрақўрғон тумани, “Порлоқ” МФЙ, Косонсой кўчаси, 43-уйда яшаган, иш бўйича 2025 йил 21 май куни ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2025 йил 24 май куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган бўлиб, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган **Разақов Эркинжон Саидбурхонович** (Razaqov Erkinjon Saidburxonovich)

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,168-моддаси 3-қисмининг “в” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи У.Ахмаджанов АТ “Халқ банки” Наманган вилоят бошқармаси фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти шўъба мудирлари лавозимида ишлаб келиб, хизмат мавқеъини суиистеъмом қилиб, ўзига аввалдан таниш бўлган И.Маматовни ишончига кириб, банк ходими сифатида гўёки унинг танишига тегишли бўлган ҳамда молхона биносини гаровида бўлган “Zaynab bibi agro” МЧЖга олинган кредит тўловлари учун 2023 йил июнь ойида 1.400 АҚШ доллари (12060,27*1400=16.884.378 сўм), 2023 йил июль ойида 1.600 АҚШ доллари (12060,27*1600=19.296.432 сўм), 2023 сентябрь ойида 8.000 АҚШ доллари (12060,27*800=96.482.160 сўм), 2023 декабрь ойида 15.000 АҚШ доллари (12060,27*15000=180.904.050 сўм), жами бўлиб 26.000 АҚШ доллари (12060,27*26000=313.567.020 сўм) ҳамда 120,0 млн. сўм жами 433.567.020 сўм жуда кўп миқдордаги пул маблағларини кредит тўловларига йўналтирмасдан ёки уни қайтариб бермасдан, эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи У.Ахмаджанов жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, АТ “Халқ банки” Наманган вилояти минтақавий маркази юридик бўлими бош юристконсульти Э.Разақов билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, Наманган туманлараро иқтисодий судида кўрилаётган АТ “Халқ банки” Наманган вилоят филиали томонидан ажратилган кредит маблағининг гаров мулки сифатида қўшимча жавобгар “Наманган курилиш” МЧЖга тегишли “Ишлаб чиқариш базаси” бино-иншоотларини гаровдан чиқариш юзасидан судга киритган даъвосига доир ишни гўёки унинг фойдасига танишлари орқали ҳал қилиб беришларини айтиб, бунинг эвазига 8,0 млн. сўм миқдордаги пулларни талаб қилишиб, пора беришга далолат қилишиб, 2025 йил 21 май куни ДХХ Наманган вилояти бошқармаси ҳамда ИЖҚКД



Наманган вилояти бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда банк маъмурий биносидаги хизмат хонада И.Маматхановдан 8.000.000 сўм пулларни олган вақтида ушланган.

Наманган вилояти ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 22 майдаги 785-сонли эксперт хулосасида тадқиқотга тақдим этилган фуқаро Э.Разақовнинг ўнг ва чап қўлларидан суртиб олинган икки дона бинт бўлаги суртмаларининг, икки жуфт тиббиёт қўлқопларининг юзаларида жами 8.000.000 (саккиз миллион) сўм миқдоридаги 100 (бир юз) дона 10.000 (ўн минг) сўмлик, 300 (уч юз) дона 20.000 (йигирма минг) сўмлик, 10 (ўн) дона 100.000 (юз минг) сўмлик купюранинг юзасида аниқланган модда излари махсус кимёвий модда ҳисобланиб, сарғиш-яшил рангда товланиб кўринганлигини, шу билан биргаликда таққослаш учун тақдим этилган намуна кукунига кимёвий таркиби ва “сарғиш-яшил” нурланиш ранги билан турдош эканлиги, тадқиқотга тақдим этилган фуқаро У.Ахмаджановнинг ўнг ва чап қўлларидан суртиб олинган икки дона бинт бўлаги суртмаларининг юзаларида махсус кукун қолдиқ излари мавжуд эмаслиги, тадқиқотга тақдим этилган 8.000.000 (саккиз миллион) сўм миқдоридаги 100 (бир юз) дона 10.000 (ўн минг) сўмлик, 300 (уч юз) дона 20.000 (йигирма минг) сўмлик, 10 (ўн) дона 100.000 (юз минг) сўмлик купюраларидан 4 доналарининг икки томони юзида “ПОРА 2025” ёзуви оч-яшил рангда товланиб кўринганлигини, шу билан биргаликда намуна сифатида тақдим этилган махсус қалам изи намунасидагидек “оч-яшил” рангда товланиши билан ўхшашлиги ҳақида кўрсатилган.

Суд мажлисида сўралган **судланувчи У.Ахмаджанов** айбига иқроп эмаслигини билдириб, Маматханов Иброхимнинг аризасидан келтирилган важларидан Э.Разақовнинг ҳолати бўйича алоқаси йўқлигини, бундай ҳолатлар бўлмаганлиги, айбловдаги 8,0 млн. сўм миқдоридаги пулларни талаб қилмаганлигини, банк бошқарувчиси “Ойбек” исмли шахсга 4 та “Камаз”да суяқ бетон маҳсулотлари беришини талаб қилмаганлигини, 2023 йил июнь ойида 1.400 АҚШ доллари, 2023 йил июль ойида 1.600 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини фақатгина уларни олиб юргани ҳаражати учун олганлигини, 2023 сентябрь ойида 8.000 АҚШ доллари, 2023 декабрь ойида 15.000 АҚШ доллари жами ҳамда 120,0 млн. сўм пул маблағларини олганлигини, зарани тўлиқ қоплаганлигини, Маматханов Иброхимнинг аризасида келтирилган ҳолатлари банкнинг биронта раҳбарлари ва ишчиларига таъллуқли эмаслигини баён қилиб, суддан унга қонуний енгиллик берилишини сўради.

Суд мажлисида сўралган **судланувчи Э.Разақов** айбига иқроп эмаслигини билдириб, фуқаровий даъвогар И.Маматхановни танишини, у билан Наманган туманлараро иқтисодий судида кўрилаётган АТ “Халқ банки” Наманган вилоят филиали томонидан ажратилган кредит маблағининг гаров мулки сифатида қўшимча жавобгар “Наманган қурилиш” МЧЖга тегишли “Ишлаб чиқариш базаси” бино-иншоотларини гаровдан чиқариш юзасидан судга киритган даъвосига доир иш юзасидан суҳбатлашганлигини, ундан ушбу ишни муддатини чўзиб туриш учун ёки бошқа бир ҳаракатларни амалга ошириш учун пул ёки бошқа манфаатдор бўлмаганлигини, тадбир давомида ундан олинган 8.000.000 сўм пулларни кредит тўловидан қарзи борлиги учун сўраганлигини, бу ерда фирибгарлик ёки пора беришга далолат қилиб пул олмаганлигини баён қилиб, суддан унга оқлов ҳукми чиқариб беришларини сўради.



Судланувчилар Э.Разақов ва У.Ахмаджановлар айбига иқроор бўлмасдан судда кўргазма берган бўлсаларда, уларнинг айби қуйидаги далиллар билан:

Суд мажлисида сўралган **жабрланувчи И.Маматханов** ўзига таниш бўлган Сотиболдиев Вохид Абдужаббарович ўғли Сотиболдиев Оббосхон Вохид ўғлини номидаги “Zaynab Bibi Agro” МЧЖни номига Халқ банки Наманган вилоят филиалидан 7.290,0 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағларини “Zaynab Bibi Agro” МЧЖ балансидаги “Молхона” бино-иншоотларини қайта таъмирлаш ва мол сотиб олиш учун олганлигини, В.Сотиболдиевнинг илтимосига кўра, ўзига тегишли бўлган “Namangan Qurilish” МЧЖни балансида бўлган “Ишлаб чиқариш базаси” нотурар бино-иншоотларини кредит таъминоти учун қўшимча гаров сифатида қўйилганлигини, “Zaynab Bibi Agro” МЧЖ ва АТ “Халқ банки” Наманган вилоят филиали ўртасида 18/83-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра, “Zaynab Bibi Agro” МЧЖга йиллик 21 фоиз устама тўлаш шарти билан 36 ой муддатга “Сут товар ферма комплекси”да замонавий чорва комплекси биносини қуриш ва мавжуд бўлақларни таъмирлаш мақсадида бизнес режага асосан 12,0 млрд сўм ажратилши режалаштирилиб, амалга 7,2 млрд сўм кредит маблағи ажратилганлигини, ушбу шартномада унга тегишли бўлган Наманган шаҳар, Халқлар дўстлиги МФЙ, Қурувчилар кўчаси 59-уйда жойлашган “Наманган қурилиш” МЧЖ кафил бўлиб иштирок этиб, жамиятнинг ишлаб чиқариш бинолари 6 млрд сўмга баҳоланиб гаровга қўйилганлигини, аслида ўша вақтда корхонанинг ҳақиқий бозор баҳоси 1.5-2 млн АҚШ долларига тенг бўлганлигини, “Zaynab Bibi Agro” МЧЖ олган кредит маблағлари 36 ой муддатга шартнома тузилган бўлиб, банк фоизлари ойма ой тўлаб келинганлигига қарамасдан Халқ банки ишчи гуруҳи келиб кредит олинган вақтдан 3 ой муддат ўтгандан сўнг, молхонанинг қайта қуриш ва реконструкция ишлари яқунланмаган деган хулосага келиниб, тегишли органларга хат билан мурожаат қилинганлигини, кредитдан бўлган қарздорликни ундиришга келганда банк раҳбари ва масъул ходимлар биринчи навбатда асосий қарздор “Зайнаб биби Агро” МЧЖга тегишли молхона биносига хатлаш ва сотувга қўйиш ўрнига кафилининг мулки яъни Наманган қурилиш МЧЖга тегишли бўлган бетон ишлаб чиқариш заводини сотишга ҳаракат қилинганлигини, молхона сотиш чораларини кўриб, бир нечта харидорларни топганлигини, лекин молхона мажмуасини сотиб олиш учун келган харидорларга аввал Халқ банки Наманган филиали банк бошқарувчиси Турдиев Ўткир турли хил тўсиқлар яратиб, баҳоналар қилганлигини, ундан кейин эса худди шу ишларни янги бошқарувчи бўлган Қодирхон ҳам давом эттирганлигини, банк ходими Ахмаджанов Улуғбекнинг айтган гапларига кўра, банк бошқарувчиси Ўткирбек молхона мажмуаси учун 700.000 АҚШ доллари таклиф қилган харидорни молхона муаммоли жой деб алдов йўли билан миқдорни кетказиб юборганлиги, шундан кейин борган сари молхонани нархи тушиб борганлигини, молхона мажмуасини сотиб олиш мақсадида бўлган Фахриддин ака исмли тадбиркорни Халқ банкига олиб борганлигини, шунда Халқ банки бошқарувчиси Ўткирбек аввалига 2 миллиард сўм билан молхона тақиқдан чиқади деб айтганлигини, Фахриддин ака айтилган суммани олиб келганда Ўткирбек энди 3.300.000.000 сўм билан тақиқдан чиқади деб қайтариб юборганлигини ва яна бир оз вақт ўтгач 3.300.000.000 сўм пул маблағини олиб борганда Ўткирбек 4.700.000.000 пул маблағини олиб келсангиз молхонани тақиқдан чиқариб бераман деб



айтганлигини, орадан бир ҳафта ўтиб тадбиркор Фахриддин ака 4.700.000.000 сўм пул маблағини банкка олиб борганда, яна бир ой ичида 7.300.000.000га етказиб қўяман деб айтганлигини, банк раҳбари Ўткирбек молхона ўзимизга керак деб Фахриддин акани айнитиб юборганлигини, у банкни ваъдаларига ишонган ҳолда давлат хизматлари орқали Фахриддин ака номига молхонани расмийлаштириб қуйиб бўлганлигини, лекин банк бошқарувчилари конунга зид хатти-ҳаракатлари ва мансабларини суиистеъмол қилганликларини, ғаразли кирдикорлари оқибатида Фахриддин охирги 2 ойдан кейин молхонани сотиб олиш фикридан қайтганлигини, шундай қилиб, банк бошқарувчиси Турдиев Ўткир топилган харидорларга молхонани сотмаслик ниятига етганлигини, шундан кейин ҳам яна харидор топиб бошқарувчи Қодирхон билан учраштирганда, бошқарувчи у харидорга ҳам "Молхона сизга сотилмайди, буни муаммоси кўп" деганлигини, кейин билишича, у молхонани ўз нархига, бозордаги қийматиغا сотса унинг заводини сота олмаслиги сабабли, иккала объектни ҳам бозор баҳосидан анча паст баҳога сотиб, харидорлардан "откат" олмоқчи бўлган эканлигини, бу ҳақда банк ходими Улуғбек айтиб берганлигини, яна Ахмаджонов Улуғбек билан кўришган вақтида у бошқарувчи Қодирхон молхонани сотиб олиш учун келаётган харидорларни айнитиб юбораётганлигини, харидор пулларини банкдаги омонат ҳисобига топширса яхши бўлишини айтганлигини, шундан кейин навбатдаги харидор 5.433.000.000 сўм пулларни банкнинг депозит ҳисоб рақамига топшириб қўйганлигини, лекин банк бошқарувчиси ва ходимлари яна пулларни қабул қилишдан бош тортишганлигини, бошқарувчи Қодирхоннинг қабулига кирганида у "Харидорлар пулларини олиб кетсин, мен молхонага онлайн савдо орқали 3 миллиард сўмга харидор толиб қўйганман", деб айтганлигини, нима учун 5 миллиарддан қимматроққа олмоқчи бўлган харидор турганида анча арзон нархга сотаётганлигини сўраганида, у лавз қилиб қўйганлигини айтганлигини, "Банк манфаатлари юқорими ёки унинг лавзими, деб сўраганида, «лавзим муҳим, етмаганига керак бўлса бетон заводингизни ҳам арзонга сотиб, яна қарздор қилиб қўяман» деб айтганлигини, ундан аввал у топган харидорни 5 млрд. сўмдан кўпроқ пуллари банк омонат ҳисоб рақамида икки ойдан кўп вақт мобайнида турганлигини у ва харидорнинг молхона учун тўловни амалга ошириш мақсадида кўп маротаба қилган илтимослари ва талаблари таъсир қилмаганлигини, ўшанда Ахмаджонов Улуғбек билан учрашганида "бошлиқ Қодирхон пахта теримига 3.000 АҚШ доллар керак, шу пулларни Иброхим акадан олинг, бермаса молхонани тақиқдан чиқариш протоколи бўлмайди"-деб айтганлигини, у ўша вақтда ноилож ҳолатда қолиб, унга талаб қилинган пулларни олиб келиб беришга мажбур бўлганлигини, сўнг яна Ахмаджонов Улуғбек билан учрашганида Улуғбек унга "бошқарувчи Қодирхон айтди, пахта йиғим-теримига 8.000 АҚШ доллари керак экан, шу пулни берар экансиз, акс ҳолда бу харидорларни ҳам айнитиб юборар экан",-деганлигини, шунда Улуғбекка "Бошка иложи йўқми"-деб сўраганида, Улуғбек унга "шу талабни бажарсангиз кейин ишингиз битади"-деб айтганлигини, унга Улуғбек айтган пулларни молхона харидорларидан уни номидан банк бошқарувчиси Қодирхонга олиб берганлигини, Улуғбек ўшанда бошлиқ Қодирхон ва унинг ўзининг номидан бу 11.000 АҚШ доллари пулларини ҳаммаси молхона учун олинган кредит пулларини сўндириш учун қайтарилишига ваъда берганлигини,



бу ишлардан аввал банк юристи Маъмуржон билан учрашганида "Бошлиқ айтди, молхонадаги 21 туп (хар бир донаси 3.500.000 сўм ташкил этган бўлиб) жами суммаси 73.500.000 сум зарар етказган ўрик дарахтларини бермасанглр, молхонага келаётган харидорларни айнитиб юборар экан"-деб, шантаж қилиб, чорасиз ҳолатда йўқ дея олмаслигини билиб, орадан бир-икки кун ўтиб кўп йиллик ўрик дарахтларини кесиб кетишганлигини, лекин банк бошқарувчиси Қодирхон ва унинг бошчилигидаги банк ходимларининг унга нисбатан содир этган жиноятлари, қўллаган ҳийла, зулм ва адолатсизликлари юкоридагилар билан чекланмаганлигини, бошқарувчи Қодирхон охири молхона мажмуасини аввалги харидорлар таклиф қилган баҳодан анча паст баҳога сотилиб кетишига сабабчи бўлганлигини ва ўзи қилган таҳдидини амалга оширишни бошлаганлигини, яъни энди "Наманган қурилиш" МЧЖга қарашли ишлаб чиқариш корхонасини арзонга сотишга ҳаракат қилганлигини, аслида у ўзининг таниш тадбиркорларига "Наманган қурилиш" МЧЖга тегишли корхонани уларга сотиб беришга ваъда бериб, эвазига катта суммада АҚШ долларини ҳам аванс тариқасида олиб қўйганлигини, баҳоси 1.5-2 миллион доллар бўлган корхонаси ноҳақ тарзда ва арзонга сотилиб кетмаслиги учун 2 миллиард сўм пулларни қарзга олиб, яна Халқ банки бошқарувчиси Қодирхон олдида олиб борганлигини, бу сафар ҳам бошқарувчи пулларни кредит қарздорлигини сўндириши учун қабул қилмаслигини айтганлигини ва яна 2 млрд сўм пуллар банкнинг омонат ҳисоб рақамида бўлиб икки ойдан ошиқ муддат давомида банк кредитларини сўндиришга йўналтирилмаганлиги сабабли қўшимча фоизлар келиб чиқишига сабаб бўлганлигини, ўша вақтда "Зайнаб Биби Агро" МЧЖ номида мавжуд бўлган кредит суммасини сўндириш мақсадида молхона харидори Ахмедов Жаҳонгир Нодирхоновичнинг топширган 5.433.000.000 сўм пул маблағларини тўлаган бўлгани ва қўшимчасига В.Сотволдиев 120 миллион сўм тўлаганлигини, жами тўланган сумма 5.553.000.000 сўм бўлганлигини, В.Сотволдиев тўлаган 120 миллион сўм чек (квитанция)ни берилмаганлигини, В.Сотволдиев эса банк ходимларини ушбу 120 миллион сўмни ўзлаштирганликда айблаб, уларга нисбатан Наманган шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат қилганлигини, шунда банк ходими Ахмаджонов Улуғбек уни банкка чақириб "Ака бошлиқ айтяпти, сиз банк депозит ҳисобига қўйган пулларингиздан бизга 120 миллион сўм бериб туринг, хавотир олманг, аслида бу пуллар ҳам "Зайнаб Биби Агро" МЧЖни кредитдан бўлган қарздорлигини сўндирилишига ўтказилади. Бир оздан кейин бу пулларни сизга қайтариб берамиз"-деб айтганлигини, пуллар чиндан ҳам кредитни қоплашга ишлатилса деб, Улуғбекдан "нима қилиш керак?"-деб сўраганида у банкда операторлар столида турадиган махсус бармоқ изи билан тасдиқлаб имзо қўйиладиган мослама оркали имзо қўйишини таъкидлаганлигини, кейин билишича, ҳақиқатдан банкка кредитдан бўлган қарздорликни қоплаш мақсадида қўйган омонат ҳисобидаги пуллардан алдов йўли билан олинган бўлиб, шу пайтгача унга ушбу маблағ қайтарилмаганлигини, кейин Халқ банки ходими Ахмаджонов Улуғбек банк кредитидан бўлган ноқонуний фоизларини сўндириш мақсадида иктисодий судга даъво киритаётганлигини, бошқарувчини талабига кўра агар у 15.000 АҚШ доллари берса, банк ундан судда ортиқча фоизларни талаб қилмаслигини, ушбу пуллар уларга судга давлат божини тўлаш учун кераклигини, бермаса ўзига ёмон бўлишини, банк томонидан жуда катта фоиз ва пенялар қўйилишини



айтганлигини, ўша вақтда шу кредит сабабли жуда оғир иқтисодий аҳволга тушган бўлса-да, янада оғирроқ ҳолатга тушиб қолмаслик учун яна танишларидан қарз олиб, Улуғбек айтган вақт ва жойга 15.000 АҚШ долларини олиб бориб беришга мажбур бўлганлигини, ушбу пулларни кредитини сўндиришга тўлашини айтганлигини, шундай бўлса-да, ҳар сафар банк бошқарувчиси Қодирхон, Улуғбек, ҳуқуқшунос Маъмуржон ва бошқа банк ходимлари томонидан алданиб келганлигини, ҳозирги кунда ҳам АТ Халқ банки ходимлари Қодирхон ваъда қилган харидорларга унга тегишли заводни қандай қилиб бўлса ҳам арзонга сотиш мақсадида юришганлигини, билишича, Қодирхон харидорлардан бўнак (аванс) тариқасида олган жуда катта миқдордаги валютани ишлатиб юборганлигини, аслида АТ “Халқ банк” Наманган вилоят филиали бошқарувчиси ва ходимлари томонидан тўсиқлар қўйилганлигини, молхонанинг бинolari кўп, ер майдони катта бўлиб, ҳақиқий бозор баҳоси 1 миллион доллардан қиммат бўлганлигини, буни харидор бўлиб келганлар ҳам тасдиқлашганлигини, ўзи аслида банкдан "Зайнаб Биби Агро" МЧЖга олинган кредит суммаси 7.290.000.000 ташкил этишини, жиноят текширув давомида жами мақсадсиз ишлатилган деб даъво қилинган 5.278.000.000 сўм аниқланган бўлиб, ҳақиқатдан улар томонидан банк омонат ҳисоб рақамига 5.433.000.000 сўм маблағ топширганлигини, банкка ҳозиргача тўланган пуллар 7.880.695.000 сўмни ташкил этиб, банк маълумотномаларида кўрсатилаётган ва талаб қилиб келаётган суммадан анча фарқли эканлигини, юқоридагиларга кўра, АТ Халқ банки Наманган вилоят филиали ходими Улуғбек ва бошқа шахслар томонидан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиб, ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиб "Зайнаб Биби Агро" МЧЖ ва "Наманган қурилиш" МЧЖларнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганликлари, жуда кўп миқдордаги пул маблағларини алдов йўли билан талон-торож қилганликлари, ундан жуда кўп миқдордаги пул маблағлари 120 миллион сўм ва 26.000 АҚШ доллари пул маблағларини ва 21 туп дарахтларни алдов йўли билан кесиб ўзлаштирганликларини ҳамда сотилиши лозим бўлган объект-молхонани сунъий равишда баҳосини тушириб, ҳақиқий баҳосидан 2-2.5 млрд сўм арзонга сотилишига сабабчи бўлганлигини, ўз хатти-ҳаракатлари билан давлат ва банк манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганликларини билдирганлигини, банк томонидан пулларни ундириш ва гаровга қаратиш бўйича Иқтисодий судга берилган бўлиб, судда тўлаган пулларни кўрсатишмаганлигини, шу сабабли судни қайта кўриб чиқиш учун ариза берганлигини, юқоридагилардан ташқари, У.Ахмаджонов билан гаплашганида Улуғбек унга банк юристи Раззақов Эркин билан гаплашганлигини, судда унга ёрдам қилишини, бунинг учун унга хизмати учун пул бериши кераклигини айтганлиги, Э.Раззақов унга Наманган туманлараро “Иқтисодий суд”да кўриб чиқиладиганлигини айтганлиги ҳамда 2 маротаба ортга суриб беришини, бунинг учун судда кўз юмиб туришини, иш охирида унинг фойдасига суд натижасини ҳал қилиб беришини айтганлигини, шунингдек, У.Ахмаджанов ишни ҳал бўлиши учун банк бошқарувчиси “Ойбек” учун 4 камазда суюқ битон маҳсулотлари беришини талаб қилганлиги, банк ходимларини қилаётган таъмагирликлари жуда кўпайиб кетганлиги учун ариза билан мурожаат қилганлигини, сўнг аризасида кўрсатиб ўтилган важларни текшириш мақсадида, ИЖКК Департаментнинг Наманган вилояти бошқармаси



томонидан тезкор тадбир ўтказилганини, унга жами 8.000.000 сўм кимёвий ишлов берилган пуллар берилиб, У.Ахмедов ва Э.Раззақовга бериш учун унинг шимининг чап чўнтагига солиб қўйилганлиги ҳамда У.Ахмедов ва Э.Раззақовлар билан бўлиб ўтадиган суҳбатларни ёзиб олиш учун махсус овоз ёзиш мосламасини ҳам беришганлигини, тезкор ходимлар кузатувида Халқ банки вилоят бошқармасига келиб, банк биносини 4-қаватидаги У.Ахмедовни хонасига чиққанлигини ва У.Ахмаджановга юрист Э.Раззақов сўраган пулларни олиб келганлигини айтганлигини, У.Ахмаджанов телефонда Э.Раззақовни чақирганлигини, Э.Раззақов хонага киргандан сўнг, пулларни Э.Раззақовга бериб қўйишини айтиб, хонадан чиқиб кетганлигини, Э.Раззақовга пулларни олиб келганлигини, ушбу пулларни судни 2 марта суриб бериш учун бераётганлигини айтиб, Э.Раззақовга берганлигини, Э.Раззақов ундан 8.000.000 сўм пулларни олиб санамасдан шимининг чўнтагига солганлигини ва унга бир сафар судда ютқазилганини, кейинги сафар ютиб чиқишини айтганлигини, банк юристи Э.Раззақов хонадан чиқиб кетаётган вақтда У.Ахмедов кириб келганлигини, У.Ахмаджановга айтилган пулларни олиб келиб берганлигини, энди бу ёғига ёрдам беришларини айтганлигини, Э.Раззақов унга судда ёрдам қилишини айтганлигини, Э.Раззақов хонадан чиқиб кетгандан сўнг, У.Ахмаджанов пулни ярмини бериб, иш битгандан сўнг қолган ярмини берганингизда яхши бўларди деб айтганлигини, у У.Ахмаджановга ундан муқаддам бўлиб-бўлиб олган 26.000 АҚШ долларини ҳамда 120,0 млн. сўм пулларни қайтаришини сўраганида, У.Ахмаджанов ҳозир шу пулни тикиштирмай туришини сўраганлигини, У.Ахмаджанов билан хайрлашиб хонадан чиққанлигини ва ушбу қаватда турган тезкор ходимга келишилган белгини берганлигини ҳамда банк биносидан ташқарига чиқиб, тезкор ходимнинг автомашинасига бориб ўтирганлигини тезкор ходимлар билан бирга Департамент бошқармаси биносига келганлигини ва ушбу жойда ҳолислар иштирокида берилган овоз ёзиш мосламаси қайтариб олинганлигини, суд муҳокамасига келиб зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчилар Э.Раззақовга ва У.Ахмаджановларга қонуний енгиллик берилишини сўраб берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган **гувоҳ В.Сотиболдиев** О.Сотиболдиев унинг ўғли эканини, унинг номидаги “Zaynab Bibi Agro” МЧЖни номига Халқ банки Наманган вилоят филиалидан 7.290.000.000 сўм миқдоридagi кредит маблағларини “Zaynab Bibi Agro” МЧЖ балансидаги “Молхона” бино-иншоотлари қайта таъмирлаш ва мол сотиб олиш учун олганлиги, унинг илтимосига кўра, таниши Маматханов Иброҳимга тегишли бўлган “Namangan Qurilish” МЧЖни балансида бўлган “Ишлаб чиқариш базаси” нотурар бино-иншоотларини кредит таъминоти учун қўшимча гаров сифатида қўйилганлигини, “Zaynab Bibi Agro” МЧЖ номига олинган кредитни вақтида қайтара олмай қолинганлиги сабабли, банк маъсуллари 5.287.000.000 сўм кредитдан мақсадсиз фойдаланган деб хулоса қилиб, Наманган вилоят прокуратурасига бериб юборганлигини, шундан кейин Наманган вилоят прокуратураси томонидан ўғли О.Сотиболдиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинганлигини, кредитдан бўлган қарздорликни ундириш учун банк раҳбарлари ва маъсул ходимлари асосий қарздор бўлган ўғлига тегишли бўлган “Zaynab Bibi Agro” МЧЖ балансидаги



“Молхона” бино-иншоотларини эмас, таниши И.Маматхановга қарашли бўлган “Namangan Qurilish” МЧЖни балансида бўлган “Ишлаб чиқариш базаси” нотурар бино-иншоотларини сотишни ҳаракатини бошлаганлигини, шунда И.Маматханов унинг олдига келиб, ушбу ҳақида гапириб берганида “Zaynab Bibi Agro” МЧЖ балансидаги “Молхона” бино-иншоотларини харидор топиб сотишини, ушбу пулларни кредитдан бўлган қарздорликни ёпиш учун тўлов қилишини айтганлигини, таниши И.Маматханов ўғлига тегишли бўлган “Молхона” бино-иншоотларини сотиб олишга бир нечта харидор топиб, банк ходимларига олиб борса, улар харидорларни айнитиб қайтариб юборишганлигини, бунинг орасида банк юристи Мўминов Маъмуржон ва ходими Ахмаджонов Улуғбеклар “Молхона” бино-иншоотларидаги кўп йиллик ўрик дарахтларини кесиб олишларига рухсат беришса, сотиб олишга келган харидорларни айнитмасликларини айтишганлиги ҳақида таниши И.Маматханов менга айтганида, у агарда келган харидорларни айнитмаса кесиб кетаверсин деб айтганлигини, банк юристи М.Мўминов одам жўнатиб, 21 туп ўрик дарахтини кесиб ўзлари олиб кетишганлигини, И.Маматханов банкда ишловчи Ахмаджонов Улуғбек исмли ходим билан шу масалада суҳбатлашганида, банк бошқарувчиси молхонани ўзининг танишларига сотмоқчи эканлигини, қанча харидор келса ҳам уларни ниятидан қайтаришини, пулларни олиб келиб омонат ҳисоб рақамига қўйсагина, бошқа шахсга сота олмаслигини айтганлигини, “Zaynab Bibi Agro” МЧЖ балансидаги “Молхона” бино-иншоотларини 5.433.000.000 сўмга И.Маматхановни таниши “Жахонгир” исмли шахсга сотганлигини, “Жахонгир” пулларни кредитдан қарздорлик ёпиш учун банкга олиб борганида, банк раҳбари “Қодирхон” анча вақтгача пулларни қабул қилмасдан ҳар хил баҳоналарни айтиб пайсалга солганлиги учун пулларни “Жахонгир”ни номига омонат ҳисоб рақами очиб, ушбу ҳисоб рақамга кирим қилиб қўйишганлини эшитганлигини, “Жахонгир”ни номига омонатга кирим қилинган пулларни кредитдан бўлган қарздорликни ёпиш бўйича бир неча мартаба банк ходимлари “Ўткирбек, Улуғбек ва юристи Маъмуржон”ларга айтсада, қарздорликни ёпишни 2 ойгача пайсалга солиб юришганлигини, шундан И.Маматханов банк раҳбари “Қодирхон” билан кўришиб гаплашганида ушбу молхонани биржа орқали сотмоқчи эканини айтганлигини тушунтирганлигини, ушбу ҳолат бўйича Наманган вилоят прокуратурасига мурожаат қилганидан сўнг, 5.433.000.000 сўм пулларни банк ходимлари кредитдан қарздорликни ёпиш учун ўтказиб беришганлигини, шундан кейин, 2023 йил сентябрь ойида АТ “Халқ банки” вилоят бошқармаси кассасига ўғли О.Сотиболдиевнинг камомади учун 120,0 млн. сўм маблағларни тўловни амалга оширганлиги ва унга кассир ҳеч қандай тўлов қвитанцияси ёзиб бермаганлиги учун ундан тўловни амалга оширганлиги ҳақида бирон бир ҳужжат беришини сўраган вақтда, банк ходими У.Ахмаджанов қвитанцияни ўзи сизга беришлигини ёки ўзи олишлигини айтганлигини ва у У.Ахмаджановга бир неча мартаба бориб тўлов бўйича қвитанция беришлигини талаб қилганида, ҳар хил баҳоналар билан алдаб келганлигини, сўнг, 2024 йил февраль ойида У.Ахмаджанов унга ўғлининг етказган зарар учун қилган 120,0 млн. сўм тўловларига ҳужжат тақдим қилмаётганлиги бўйича Наманган шаҳар прокурори номига мурожаат қилганлигини, шу орада банк ходими У.Ахмаджанов И.Маматхановга унинг прокуратурага ариза қилганлигини айтиб, кредит бўйича зарарни қоплаш учун



топширган 120,0 млн. сўм берган пуллар кирим бўлмаганлигини, ушбу 120,0 млн. сўм маблағларни И.Маматхановни номига очилган омонат ҳисоб рақамдаги пуллардан ёпиб туришни сўраганлигини ва унинг бу илтимосига рози бўлмаганлигини ва И.Маматханов ўзининг номига очилган омонат ҳисоб рақамида турган 2.000.000.000 сўм пулларни “Zaynab Bibi Agro” МЧЖни номидаги кредитни сўндиришга ўтказиш учун ҳужжатларга имзо қўяётган вақтида банк ходимлари бошқа ҳужжатларга ҳам имзо қўйдириб, уни омонатдаги пулидан 120,0 млн. сўмини унга банк ходимлари камомадларини ёпиш учун беришганлиги ҳақида И.Маматханов айтганлигини, шундан сўнг, 2024 йил февраль ойида АТ “Халқ банки” Наманган филиали маъмурий биносига бориб, “Нодира” исмли кассир қизга учраганлигини ва у фуқаролик паспортини сўраганлиги ва унга паспортини берганлигини, шунда улар унга омонат дафтарчасини очишганлиги ва ҳужжатларга қўл қўйиб берганлиги, кассир қиз 120,0 млн сўм пулларни кассасидан олиб унга берганлигини, ушбу пулларни бераётган вақтида кассир қиз ва банкнинг Бекзод исмли бошлиғи ҳам ўша ерда бўлганлигини баён қилиб берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган **гувоҳ Н.Мирзаева** АТ “Халқ банки” Наманган шаҳар банк хизматлари маркази чакана хизматлари бўлими Универсал касса кассири вазифасида 2022 йилдан бери ишлаб келаётганлигини, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил сентябрь ойларининг охирларида иш жойида бўлган вақтида, фуқаро Сотиболдиев Воҳид исмли мижоз келиб, пул кирим қилишини айтиб, 120,0 млн сўм пул маблағларини топширганлигини ва ушбу пулларни олиб санаб кўрганлиги, пул тўғри чиққач, ундан қайси ҳисоб рақамга кирим қилишини сўраганлиги, шунда В.Сотиболдиев ушбу пулга яна қўшимча қилишини, пул маблағлари валютада эканлигини маълум қилганлиги ва унга ушбу касса валюта пул маблағларини қабул қилинмаслигини, пулларини валюта айирбошлаш кассасидан сўмга айлантириб ўтишларини сўраганлиги, бир оздан сўнг, В.Сотиболдиев банк ходими бўлган Ахмаджонов Улуғбек билан бирга касса олдига келишиб, 80,0 млн сўмлик талабнома беришганлиги, шунда Ахмаджонов Улуғбек Сотиболдиев Воҳидлар топширилган жами 200,0 млн сўм пул маблағларини “Зайнаб биби агро” МЧЖнинг ҳисоб рақамига кирим қилиш кераклигини, лекин жамият ҳисоб рақамида инкасса борлигини, шу сабабли пул маблағлари вақтинчалик Ахмедов Жаҳонгирни номига очилган омонат ҳисоб рақамига қўйишини айтишганлиги ва ушбу пул маблағларини Ж.Ахмедовнинг иштирокида унинг омонат ҳисоб рақамига кирим қилиб қўйганлиги, 2024 йил 27 февраль куни кассада бўлган вақтида касса олдига Сотиболдиев Воҳид келиб, Ипотека омонат ҳисоб рақам очиб беришни сўраганлиги ва унга қанчадир пул маблағларини қўйиш кераклигини маълум қилганлиги, шунда, мижоз В.Сотиболдиев томонидан кассага 100,0 минг сўм пул маблағларини омонатга қўйиш учун тақдим қилганлиги ва унинг номига омонат ҳисоб рақам очиб, тақдим қилган 100,0 минг сўм пул маблағларини омонатга қўйиб берганлиги, эртаси куни касса олдига Маматханов Иброҳим, Сотиболдиев Воҳид ва унинг ўғли келишганлиги ва И.Маматханов ўзининг омонат ҳисоб рақамидаги 1 070,0 млн сўм пул маблағларини ечиб беришни сўраганлиги ва ҳужжатларни расмийлаштириб, ундан белгиланган тартибда ўзининг бармоқ изини олиб ушбу сўралган пулларни нақт пул шаклида берганлиги, шундан сўнг, Маматханов Иброҳим, Хайрулло исмли шахслар ўзаро келишиб, 1 070,0 млн сўм пул пулдан



120,0 млн сўми Сотиволдиев Вохиднинг иштирокида омонат ҳисоб рақамига қўшимча қирим қилишганлиги, шу билан, В.Сотиболдиевнинг омонат ҳисоб рақамида 120,1 млн сўм пул маблағи шаклланганлиги, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан В.Сотиболдиев томонидан ушбу омонат ҳисоб рақамидаги пулларни нақт пул шаклида ечиб беришини талаб қилганлигини, у В.Сотиболдиевнинг сўровига асосан ҳужжатлар расмийлаштириб, жами 120.1 млн сўм пул маблағларини кассадан чиқим қилиб, нақд пул шаклида В.Сотиболдиевга белгиланган тартибда берганлиги ва В.Сотиболдиев ўғли дадасининг ёнида пул маблағларини санаб, қора пакетга солиб бирга олиб чиқиб кетишганлиги, шу билан омонат ҳисоб рақами ёпилганлигини баён қилиб берган кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган О.Каримжанов 2025 йил 21 май куни Агробанк Наманган шаҳар бўлими олдида юрган вақтида ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими эканини айтиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, бир ишда холис бўлиб иштирок этишини айтишиб, рози бўлганидан сўнг унга қонундаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, сўнг Иброхим Маматханов исмли шахснинг аризасидаги вазларини текшириб кўриш учун тезкор тадбир ўтказилишини маълум қилиб, шунда унга таниш бўлмаган Иброхим исмли шахс Ҳалқ банки Наманган филиалида юрист бўлиб ишловчи Эркин исмли шахс Наманган туманлараро иқтисодий судда кўриб чиқиладиган ишни 2 маротаба ортга суриб бериш эвазига 8 миллион сўм пул талаб қилганлигини ҳамда банк раҳбари Эркин исмли шахс учун 4 та “Камаз” русумли юк автомашинасида цемент қурилиш маҳсулотини талаб қилаётганлигини, бундан ташқари шу банкда ишловчи Ахмаджанов Улуғбек исмли шахс 26.000 АҚШ доллари ва 120 миллион сўм пулларини кредит қарздорлигини сўндириш учун олиб, кредит тўловларни сўндириб бермаганлигини билдирганини, сўнг аризачи И.Маматхановга кимёвий ишлов берилган 8 миллион сўм миқдордаги пуллар берилиб, унга диктофон ҳам берилганини, тадбир бошланганидан сўнг АТ Ҳалқ банки Наманган филиали биносининг олдида боришганини, шунда И.Маматханов 20 дақиқада ичкаридан чиқиб, пулларни берилганлиги ҳақида ходимларга маълум қилганини, сўнг барча иштирокчилар банкнинг 4-қаватига чиқишиб, Ахмаджанов Улуғбек исмли ходимнинг хонасига киришганини, шунда ИЖҚКД Наманган вилояти бошқармаси ходимлари тезкор тадбир ўтказиладиганини айтишиб, ўзларини таништириб, ундан И.Маматхановдан олган 8 миллион сўм пуллар сўралганида, пулларни банкнинг юристи Эркин Разақов олиб чиқиб кетганлигини айтганлигини, шунда унинг қўлларидан тоза пахтага суртмалар олиниб конвертларга солинганини, шунда ушбу хонадан чиқиб қўшни хонада бўлган Эркин Разақовга ИЖҚКД Наманган вилояти бошқармаси ходимлари тезкор тадбир ўтказиладиганини айтишиб, ўзларини таништириб, ундан И.Маматхановдан олган пуллар сўралганида, у ҳақиқатдан ҳам И.Маматхановдан 8 миллион сўм пулларни олганлигини, ушбу пуллардан 2 миллион сўми эғнидаги шимининг чўнтагида эканини, 6 миллион сўмини банк кассаси орқали онасининг банк пластик картасига қирим қилганлигини, сўнг унинг қўлларида ялтироқ кукун излари борлиги кўрилиб, ундан олинган пуллар ва намуналар конвертларга солиниб муҳрланганлигини, сўнг банкнинг кассасига тушиб, Э.Разақов топширган 6 миллион сўм пуллар олиниб, конвертга солиб муҳрланганини, бўлган ҳолат шулардан иборатлигини маълум қилиб берган кўрсатуви билан;



Бундан ташқари, тарафларнинг розилиги билан судда ўқиб эшиттирилган дастлабки терговда сўроқ қилинган О.Олимовнинг кўрсатувлари (и.в. 168-171), И.Маматхановнинг ИЖҚКД Наманган вилояти бошқармасига У.Ахмаджанов ва Э.Разақовларга қонуний чора кўриб бериш мазмунидаги аризаси (и.в. 5-8), ИЖҚКД Наманган вилояти бошқармасининг 2025 йил 21 майдаги 174-сонли буйруғининг нусхаси (и.в. 9), аризачи томонидан тақдим қилинган сўзлашувлар ёзиб олинган диск қабул қилиб олиш ҳақидаги баённома (и.в. 10), стенограммалар (11-15), пулга кимёвий ишлов бериш, кимёвий ишлов берилган пул маблағлари ва овоз ёзиш мосламасини аризачига тақдим этиш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 16-20), ариза юзасидан тезкор тадбир ўтказиш, нарса ва ашёларни олиш ҳақида баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 21-30), кассир М.Турсунова амалга оширган приходный кассовый ордер № 353439318 21.05.2025 (и.в. 31), ихтиёрий равишда тақдим қилинган ашёларни олиш ҳақидаги баённома (и.в. 32-33), диктафонни қайтариб олиш ҳақидаги баённома (и.в. 34-35), тезкор тадбир вақтидаги сўзлашувларнинг стенограммаси (и.в. 36-38), гувоҳ С.Турсунованинг сўроғи (и.в. 163-165), гувоҳ О.Каримжановнинг сўроғи (и.в. 252-255), жабрланувчи И.Маматхановнинг сўроғи (и.в. 256-269), гувоҳ Ф.Мухиддинов, Ж.Ахмедов ва Х.Рахматуллаевнинг дастлабки терговдаги сўроғи (2-жилд и.в. 1-4, 14-18), АТ “Ҳалқ банки” ички назорат ва комплаенс хизмати менежери Ў.Амониллаев, Наманган вилояти минтақавий маркази бошлиғи в.в.б. О.Ҳолиқов, Банк тармоқлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ф.Тўлаевларнинг 2025 йил 4 июлдаги ўтказилган хизмат текшируви далолатномаси (2-жилд и.в. 27-32), Наманган вилояти ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 22 майдаги 785-сонли эксперт хулосаси (2-жилд и.в. 83-86), нарса ва ҳужжатларни ашёвий-ёзма далиллар деб эътироф этиш ҳамда уларни ишга қўшиб қўйиш ҳақидаги қарор (2-жилд. и.в. 140-141) ҳамда бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўла топган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги судланувчилар Э.Разақов ва У.Ахмаджановларни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-бўлимида жуда кўп миқдор – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор бўлиши кўрсатилган (2025 йил 1 августдан базавий ҳисоблаш миқдори 412.000 сўмни ташкил қилади ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари 206.000.000 сўмни ташкил қилади).

Жиноят иши ҳужжатлари ва судда аниқланган далилларга кўра, судланувчи У.Ахмаджанов томонидан фирибгарлик йўли билан ўзлаштирилган 433.567.020 сўм жуда кўп миқдорни ташкил қилади.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулккий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сон Қарорининг 10-бандида “Жиноят объекти бўлган мол-мулк қийматини аниқлашда унинг мулкдор томонидан орттирилиши (сотиб олиниши) ҳолатларига қараб, жиноят содир этилган пайтдаги шартномавий, улгуржи, чакана, биржа ёки бозор нархидан келиб чиқиш лозим. Мол-мулкнинг нархи мавжуд бўлмаганда унинг қиймати эксперт хулосасига кўра белгиланади.

Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозим. Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади.”-деб кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи У.Ахмаджановнинг содир этган қилмиши хизмат мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда ўзганинг мулкни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллашга суиқасд қилиш, пора беришга далолат қилиш, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллашда ифодаланган ҳаракатлари 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди, 28,211-моддаси 1-қисми ва 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Э.Разақовнинг содир этган қилмиши хизмат мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда ўзганинг мулкни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллашга суиқасд қилиш, пора беришга далолат қилишда ифодаланган ҳаракатлари 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.”-деб;

41-моддасида ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида “Жазолашдан қўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.”-деб;

8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.”-деб белгилаб қўйилган.

Жиноят кодекси 168-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этиши ҳақида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сон қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик,



инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги,

3-бандида жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги,

11-бандида жиноят кодекси 58-моддасига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун мазкур жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, бунда энг кўп жазо деганда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (модданинг қисмида) назарда тутилган ҳар қандай жазо турининг энг юқори муддати ёки миқдори тушунилиши лозимлиги,

26-бандида Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади.”-деб,

37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги,

Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги,

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.).

39-бандида, Судлар қонун санкциясида назарда тутилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида фақат Жиноят кодексининг тегишли моддаси (қисми, банди) бўйича ЖК 57-моддаси қўлланилиб тайинланган узил-кесил жазо чораси кўрсатилиши лозим бўлиб, енгилроқ жазо қўллаш сабаблари ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатилиши кераклиги,

шахс жиноят қонунининг турли моддаларида (моддаси қисмларида) кўзда тутилган бир неча жиноят содир этганлик учун судланаётган бўлса, ЖК 57-



моддаси жиноятлар жами бўйича тайинланган жазодан кейин эмас, балки алоҳида жиноятлар учун жазо тайинлаш пайтида қўлланилиши,

қонун санкциясида назарда тутилганидан ҳам енгилроқ асосий жазонинг тайинланиши айбдорнинг ҳаракатлари квалификация қилинаётган қонун санкциясида назарда тутилган қўшимча жазоларни тайинлаш имкониятини истисно қилмаслиги,

41-бандида “Жиноят кодексининг **43-моддасига** мувофиқ, маҳкумларга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳамда ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш каби қўшимча жазолар қўлланилиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо шахс айбдор деб топилган Жиноят кодекси **Махсус қисми** моддаси санкцияси доирасида тайинланади. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо Жиноят кодекси **Махсус қисми** моддаси санкциясида назарда тутилмаган бўлса, у ЖК **45-моддасида** белгиланган асослар ва доирада, қабул қилинган қарор ҳукмда асослантирилган ҳолда қўлланилиши мумкин.”-деб,

44-бандида, Судлар қонунда назарда тутилганидан ҳам енгилроқ асосий жазо белгиланиши ёки Жиноят кодекси **Махсус қисми** моддасида кўрсатилмаган бошқа енгилроқ асосий жазо турига ўтилиши айбдорга нисбатан қўшимча жазо тайинлаш имкониятини истисно этмаслиги,

45-бандида, Жиноят кодексининг **45-моддасига** мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт. Бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши керак.

Ҳукм чиқарилаётган пайтда маҳкум жиноят содир этилиши билан боғлиқ бўлган мансабни эгалламаслиги ёки фаолият тури билан шуғулланмаслиги ҳолати қўшимча жазо қўллаш учун тўсиқ бўлмаслиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Судланувчи У.Ахмаджановга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, унинг муқаддам судланмаганлигини, зарар қопланганини, қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан енгиллаштирувчи ҳолат деб, ғараз ва паст ниятларда содир этганини ЖКнинг 56-моддасига асосан оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, У.Ахмаджановнинг етказилган зарарни қоплаганини, муқаддам судланмаганини ва қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлигини ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтиувчи ҳолат деб ҳисоблаб, унга содир этган жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Жиноят кодексининг 28,211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45,57-моддаларини қўллаб, моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун узил-



кесил моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Жиноят кодексининг 62-моддаси тартибида судланувчи У.Ахмаджановни ушланган ва қамоқда бўлган 173 кунни, ҳар бир кунини тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига ҳисоблаб, тайинланган жазосидан чегириб, ўташ учун узил-кесил ЖКнинг 45-моддасини қўллаб моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдиришни, жазо ижросини назорат қилиш маҳкумнинг яшаш жойидаги Наманган тумани ИИБ зиммасига юклатишни, жазони ўташ муддати жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойда маҳкум иш бошлаган кундан ҳисобланишини, судланувчи У.Ахмаджановга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан дарҳол қамоқдан озод қилинишини, суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар судланувчи У.Ахмаджановга муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилишини, У.Ахмаджановга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддаси 4-қисми талабларини тушунтириб, ҳукм устидан шикоят беришни тушунтиришни лозим топади.

Судланувчи Э.Разақовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, унинг қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини ҳамда зарар йўқлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан енгиллаштирувчи ҳолат деб, ғараз ва паст ниятларда содир этганини ЖКнинг 56-моддасига асосан оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, Э.Разақовнинг қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини ҳамда зарар йўқлигини ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтиувчи ҳолат деб ҳисоблаб, унга содир этган жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Жиноят кодексининг 28,211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Жиноят кодексининг 62-моддаси тартибида судланувчи Э.Разақовни ушланган ва қамоқда бўлган 173 кунни, ҳар бир кунини тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига ҳисоблаб, тайинланган жазосидан чегириб, ўташ учун узил-кесил ЖКнинг 45-моддасини қўллаб моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдиришни, жазо ижросини назорат қилиш маҳкумнинг яшаш жойидаги Тўрақўрғон тумани ИИБ зиммасига юклатишни, жазони ўташ муддати жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойда маҳкум иш бошлаган кундан ҳисобланишини, судланувчи Э.Разақовга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан дарҳол қамоқдан озод қилинишини, суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар судланувчи Э.Разақовга муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилишини, Э.Разақовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддаси 4-қисми талабларини тушунтириб, ҳукм устидан шикоят беришни тушунтиришни лозим топади.



Жиноят иши бўйича жабрланувчи И.Маматхановни етказилган зарар қопланганлиги, У.Ахмаджановга нисбатан даъвоси йўқлиги мазмунида ёзган аризасини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Жиноят ишида нарса ва хужжатларни ашёвий-ёзма далиллар деб эътироф этиш ҳамда уларни ишга қўшиб қўйиш ҳақидаги қарорда кўрсатилган ашёвий-ёзма далилларни эътироф этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 497³, 499-500-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи **Ахмаджанов Улуғбек Маматхонович** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди, 28,211-моддаси 1-қисми ва 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи **Ахмаджанов Улуғбек Маматхоновичга**:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28,211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45,57-моддаларини қўллаб, 1 йил 6 ой моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 1 йил 7 ой муддатга моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой 2 кун муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддаси тартибида судланувчи У.Ахмаджановни ушланган ва қамоқда бўлган 173 кунни, ҳар бир кунини тайинланган аҳлоқ тузатиш ишларининг уч кунига ҳисоблаб, тайинланган жазосидан чегириб, ўташ учун узил-кесил ЖКнинг 45-моддасини қўллаб 1 йил 7 ой муддатга моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 1 йил 1 ой муддатга иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш маҳкумининг яшаш жойидаги Наманган тумани ИИБ зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойда маҳкум иш бошлаган кундан ҳисоблансин.



Судланувчи У.Ахмаджановга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

Суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар судланувчи У.Ахмаджановга муносиб ҳуққ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилсин.

У.Ахмаджановга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддаси 4-қисми талаблари, яъни:

-агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида Наманган вилоят судига шикоят беришлари, прокурор протест билдиришга ҳақли.

Тайинланган жазолар ЖКнинг 61-моддаси тартибида алоҳида-алоҳида ижро этилсин.

Судланувчи **Разақов Эркинжон Саидбурхонович** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи **Разақов Эркинжон Саидбурхоновичга:**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28,211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 1 йил муддатга моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 4 ой 2 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддаси тартибида судланувчи Э.Разақовни ушланган ва қамоқда бўлган 173 кунини, ҳар бир кунини тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига ҳисоблаб, тайинланган жазосидан чегириб, ўташ учун узил-кесил ЖКнинг 45-моддасини қўллаб 1 йил муддатга моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлашни тақиқлаб, 11 ой муддатга ойлик иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.



Жазо ижросини назорат қилиш маҳкумнинг яшаш жойидаги Тўрақўрғон тумани ИИБ зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойда маҳкум иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Судланувчи Э.Разақовга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан дарҳол қамокдан озод қилинсин.

Суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар судланувчи У.Ахмаджановга муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилсин.

Судланувчи Э.Разақовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддаси 4-қисми талаблари, яъни:

-агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида Наманган вилоят судига шикоят беришлари, прокурор протест билдиришга ҳақли.

Тайинланган жазолар ЖКнинг 61-моддаси тартибида алоҳида-алоҳида ижро этилсин.

Жиноят ишидаги ашёвий ва ёзма далиллар эътироф этилсин.

Иш бўйича жабрланувчи И.Маматхановнинг моддий зарар қопланганлиги мазмунидаги аризаси инобатга олинсин.

Манфаатдор томонларга жиноят натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят ёки прокурор протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

А.Садиров

